

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

МИРЗАЕВ НАСРИДДИН МУХРИТДИНОВИЧ

**XIX–XX АСР БОШЛАРИДА ТОШКЕНТ ҚОЗИХОНАЛАРИДА
ЮРИТИЛГАН ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРГА ОИД
ХУЖЖАТЛАР**

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Content of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on historical sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по историческим наукам**

Мирзаев Насриддин Мухритдинович

XIX–XX аср бошларида Тошкент қозихоналарида юритилган
ижтимоий муносабатларга оид ҳужжатлар 3

Mirzaev Nasriddin Muxritdinovich

Tashkent city qadi courts' documents on social issues in the 19th and early
20th centuries 25

Мирзаев Насриддин Мухритдинович

Документы казийских ведомств Ташкента о социальных отношениях
XIX – начала XX вв. 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 48

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

МИРЗАЕВ НАСРИДДИН МУХРИТДИНОВИЧ

**XIX–XX АСР БОШЛАРИДА ТОШКЕНТ ҚОЗИХОНАЛАРИДА
ЮРИТИЛГАН ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРГА ОИД
ХУЖЖАТЛАР**

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tar826 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасининг www.iiiau.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бекмирзаев Илҳомжон Исроилжонович
тарих фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Тошқулов Жўрабой Ўринбоевич
юримдик фанлари доктори, профессор

Зиёдов Шовосил Юнусович
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг **2021 йил «27» апрель соат 11:00 даги онлайн/оффлайн мажлисида** бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiiau.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (73 рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiiau.uz)

Диссертация автореферати **2021 йил «27» мартда** тарқатилди.
(**2021 йил «15» мартдаги 1 рақамли** реестр баённомаси.)

Ш.А.Ёвқочев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

Н.А.Мухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тарих фанлари доктори, доцент

З.М.Исломов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда шаклланган тарихий қўлёзма манбаларни ўрганувчи марказларда қозилик институти фаолияти ва унга тегишли ҳужжатлар тадқиқига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатчилик ва фуқаролик институтларининг асосий пойдевори бўлган қозихоналарда шаклланган нотариал, фуқаролик ҳолатини қайд этиш китоблари ҳамда ижтимоий муносабатларнинг ривожини билан боғлиқ тарихий воқеликни ёритиш уларнинг илмий савияси юқори ва камрови кенг эканлигидан дарак беради. Мазкур қозихоналарда ижтимоий низоларни ечишдаги амалиёт ва тажрибалар замонавий жамиятнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг қатор илмий марказларида тарихий манбалар, нарратив асарлар асосида қозилик институти тарихи ва моҳиятини ўрганишга эътибор қаратилаётгани ушбу турдаги ҳужжатларнинг илмий аҳамияти юқори эканлигидан далолатдир. Бундай тадқиқотларда (بيع) савдо-сотик, (اجاره) ижара битимлари, мол-мулк, (وقف) вақф ҳужжатлари ва (نسب نامه) шажарага оид гениологик материалларга ҳам аҳамият қаратилмоқда. Бироқ бу борада комплекс тадқиқотлар олиб борилмаганлиги ва Тошкент қозихоналари фаолияти ҳамда улардаги ҳужжатларнинг хусусиятлари очиб берилмаганлиги қозилик аъёнани моҳиятини яхлит англаш имконини бермас эди.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини қайта тиклаш, буюк алломалар илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни миллий аъёналар руҳида тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда: «Бундан асосий мақсад шуки, тарихимиз, маданиятимиз, динимизга алоқадор бир варақ қўлёзма бўлса ҳам, уларни тўплаб, халқимизни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қандай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини англашиш, фарзандларимизни шу улғу меросга муносиб этиб тарбиялашдан иборат»¹. Шу жиҳатдан манбаларимизнинг бир бўлаги ҳисобланган Тошкент қозихоналари ҳужжатларини илмий-тадқиқотга жалб қилиш долзарб саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068-сон «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2017 йил 15 июнь, № 189 (6883).

қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шарқ мамлакатларида ислом цивилизациясининг таркибий қисми бўлган ёзма манбаларни ўрганиш, хусусан, турли ижтимоий масалаларни ўз ичига олган қозихоналарнинг ҳужжатлари Шарқ ва Ғарб тадқиқотчилари томонидан катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда. Тошкент қозихоналари тарихини ёритувчи тадқиқотларни қуйидаги 4 гуруҳга ажратиш мумкин:

биринчи гуруҳга XIX аср охири – XX аср бошига доир тадқиқотларни киритиш мумкин. Жумладан, А.Хорошхин, Г.Арендаренко, М.Федоровский, Н.И.Крафт, Л.Н.Большаков, Н.Остроумов, Н.Фиолетов ва Н.Лыкошин кабиларнинг шу даврда чоп этган тарихий асарлари ва мақолаларида Россия империясининг Туркистонда амалга оширган суд тизимидаги сиёсати ижобий баҳоланиб, қозилик судларининг моҳияти ва мустамлака маъмурият томонидан анъанавий суд тизимига киритилган ўзгаришлар бир ёқлама ёритиб берилган¹;

иккинчи гуруҳга совет даврида олиб борилган изланишлар натижасида эълон қилинган асарлар ва мақолаларни киритиш мумкин. Жумладан, Н.Фиолетов, Х.С.Сулейманова ва Ф.Бакиров кабилар Ўрта Осиё қозилик судлари ҳақида бир томонлама ёндашув асосида субъектив хулосалар берилган бўлиб, уларда қозиларнинг фаолияти танқид остига олинган. Ушбу тадқиқотчилар қозилик маҳкамаларининг жамият ҳаётида тутган ўрнини инобатга олмаган. Буни совет даврида анъанавий судларнинг тугатилишига оид сиёсат билан боғлаш мумкин²;

¹ Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. – СПб, 1876; Арндаренко Г.А. Досуги в Туркестане 1874-1889 (о народном суде у туземцев). – СПб, 1889; Федоровский М. О расширении сферы русского суда над туземными в крае. Юридические заметки // Туркестанские ведомости, 4 мая, 1886; Большаков Л.Н. Уголовная статистика в Туркестанском крае // Туркестанские ведомости, 23 августа 1883 г.; Унинг ўзи. К вопросу о реформе народного суда // Туркестанские ведомости, 3 ноября 1912 г.; Крафт И.И. Судебная часть в Туркестанском крае и Степных областях. – Оренбург: Типо-литография П.Н. Жаринова, 1898; Остроумов Н.П. Сарты. Этнографические материалы. (Общий очерк). Изд. 3-е допол. – Ташкент, 1908; Фиолетов Н. Судопроизводство в мусульманских судах Средней Азии (суды казиев) // 1928; Лыкошин Н.С. Полжизни в Туркестане (очерк быта туземного населения). – СПб, 1916.

² Фиолетов Н. Суды казиев в среднеазиатских республиках // Советское право. – М., 1927; Фиолетов Н. Судопроизводство в мусульманских судах (суды казиев) Средней Азии // Новый Восток. – М., 1928; Сулейманова Х.С. Исторический очерк о создании советских судов в Узбекистане // Советское государство и право. – М., 1949; Унинг ўзи. Создание и развитие советского суда в Туркестанской АССР (1917-1924 гг.). – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1954; Бакиров Ф. Чор Туркистонида суд, шариат, одат. – Тошкент: Фан, 1967.

учинчи гуруҳга мустақиллик даврида Ўзбекистонда амалга оширилган тадқиқотлар кириб, уларда объектив хулосалар берилганини алоҳида қайд этиш лозим. Бу тарихни холисона ўрганиш учун яратилган имкониятлар билан боғлиқ. Жумладан, С.Тиллабоев, Ш.А.Эшонова, Н.С.Зайнобиддинов, Ў.Султонов ва И.И.Бекмирзаевнинг ишларида мавзуга доир баъзи янги тадқиқот ёндашувлари кузатилади. Масалан, С.Б.Тиллабоев қозилик маҳкамалари фаолиятидаги ўзгаришлар мустамлака тизими манфаатларини мустаҳкамлашга хизмат қилган, деб хулоса берган. Ш.А.Эшованинг номзодлик диссертациясида эса, Туркистонда фаолият юритган қози судлари ва шариат меъёрлари, “шариат” тушунчаси, унинг тарихий илдизлари, шаръий қонунларда Куръон ва ҳадислардан фойдаланиш, фуқаролик ишларини кўриб чиқишда амал қилинган тартиблар хусусида тўхталиб ўтади. Н.С.Зайнобиддинов XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда суд тизими ривожланиши тарихига бағишланган тадқиқотида мустамлака даврида анъанавий қозихоналар фаолиятини тубдан ислоҳ қилишдан кўзланган асосий мақсад ислом қадриятларининг аҳолига таъсирини кучсизлантириш эди, деган хулоса берган. Ў.А.Султонов эса, Тошкентда қозихоналар фаолиятидаги вақф муносабатларига оид ҳужжатларни ўрганган. И.И.Бекмирзаевнинг тадқиқотларида X–XIII асрларда Мовароуннаҳрдаги қозилик ҳужжатлари тўғрисида батафсил маълумот берилган¹;

тўртинчи гуруҳга хорижий тадқиқотчиларнинг мавзуга доир олиб борган изланишлари киритилади. Жумладан, англиялик Александр Морисон Туркистонда суд тизими ислоҳотларини таҳлил этиб, мазкур сиёсатни Россия империяси Кавказдаги амалий тажриба ва Британиянинг Ҳиндистонда қозилик маҳкамаларига нисбатан кескин сиёсатини ўрганган ҳолда ишлаб чиққан, деган мулоҳазасини тақдим этган. Россиялик олим Д.Ю.Араповнинг фикрича, Чор Россиясининг Қозон татарларига бўлган муносабатини Тошкентда амалга ошира олмагани, бунинг сабаби эса Ўрта Осиё халқининг узоқ йиллик таълими негизида шаклланган диний эътиқодининг мустаҳкамлиги ва мавжуд дунёқарашлари уларнинг осонгина бошқарувига тўсқинлик қилган. Америкалик олим Адиб Халид ўзининг Ўрта Осиёдаги ислоҳотчилик ҳаракатлари тарихига бағишланган тадқиқотида империя ҳукуматининг халқ судьяларини сайлаш тартиби қозиларнинг шаъни ва кадр-қимматини тушириб юборганини таъкидлайди. П.Сарторининг ислом ҳуқуқи ва қонунчилиги

¹ Тиллабоев С.Б. XIX аср охири – XX аср бошларида Марказий Осиёда маъмурий-худудий бошқарув тизими ва унда маҳаллий аҳоли вакилларининг иштироки (Фарғона вилояти мисолида) / Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2006; Ишанова Ш.А. Нормы шариата и применение их казийскими судами Средней Азии до 1924 года / Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Ташкент, 1992; Зайнобиддинов Н.С. История развития судебной системы в Средней Азии в конце XIX – начале XX вв. / Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Ташкент, 2006; Султонов Ў. Тошкент вақф хўжалигида анъаналар, ислоҳотлар ва муаммолар (XVI–XX аср бошларига оид тарихий ҳужжатлар асосида). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2016; Бекмирзаев И.И. Бурхонуддин Махмуд ал-Бухорий ва Мовароуннаҳр қозилиги. – Тошкент: Таълим, 2011; Бекмирзаев И.И. Мовароуннаҳрда қозилик ҳужжатлари: тарихий илдизлар ва таҳлилий ёндашувлар. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014.

тарихига бағишланган монографияси ва мақолаларида Тошкентда XIX аср охири – XX аср бошларида фаолият юритган қозиларнинг иш юритиши тажрибасини таҳлил этади. Шу билан бирга, Россия империяси томонидан қозихоналар фаолиятига оид амалга оширилган ўзгаришлар масаласига ҳам тўхталган. Унингча, Россия империяси сиёсатининг қозилик маҳкамаларига доир бошқаруви маҳаллий қонунчилик амалиётини жорий қилиш орқали қози лавозимини бутунлай тугатиш бўлган¹.

Умуман олганда, XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент шаҳридаги анъанавий суд тизими, қозиларнинг фаолияти, ислоҳоти ва қозилик ҳужжатлари тарихига доир изланишларнинг аксарият қисми рус маъмуриятининг расмий ҳисоботлари ва шахсий кузатувлар натижаси сифатида ёзилган қайдларга, саёҳатчиларнинг хотиралари ва ўлкани бошқаришга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга асосланган бўлиб, уларда Тошкент қозихоналарида кўрилган мулкий ва оилавий масалаларга оид ҳужжатлар комплекс равишда ўз илмий ечимини топмаган. Бу эса ушбу илмий иш долзарблигини белгилайдиган асосий омиллардандир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган А-1-051 – “Исломунослик муаммоларини бирламчи манбалар ва аждодларимиз диний-маърифий меросини тизимли таҳлил қилиш асосида ёш авлодда соғлом эътиқодни шакллантириш” мавзuidaги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XIX–XX аср бошида Тошкент қозихоналаридаги ижтимоий муносабатларга доир ҳужжатларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

XIX–XX аср бошларида Тошкент қозихоналари фаолиятига оид тадқиқотларни таҳлил қилиш, ўрганилган тадқиқот ишларининг йўналиши ва мазмунидан келиб чиқиб, бир нечта гуруҳга бўлган ҳолда фарқли хусусиятларини очиш;

Тошкент қозихоналарида тузилган ва амалда татбиқ қилинган ҳужжатларни манбавий ва палеографик нуқтаи назардан ёндашган ҳолда, уларни ҳужжатшунослик тамойиллари асосида тавсифлаш ҳамда таркибини

¹ Sartori P. Judicial elections as a colonial reform: the *qadis* and *biys* in Tashkent, 1868-1883// Cahiers du Monde Russe, 49/1, Janvier mars. 2008; Ibid. Authorized Lies: Colonial Agency and Legal Hybrids in Tashkent, c. 1881-1893. // JESHO 55/4-5, 2012; Ibid. Colonial Legislation Meets Shari‘a: Muslims’ Land Rights in Russian Turkestan // CAS 29/1, 2010; Ibid. The Birth of a Custom: Nomads, Shari‘a Courts and Established Practices in the Tashkent Province, ca. 1868-1919; Ibid. The Evolution of Third-Party Mediation in Shari‘a Courts in 19th- and Early 20th-Century Central Asia // JESHO 54/3, 2011; Ibid. Constructing Colonial Legality in Russian Central Asia: On Guardianship // CSSH 56/2, 2014; Ibid. Visions of Justice: Shari‘a and Cultural Change in Russian Central Asia. – Leiden: Brill, 2016; Gh. Karimov, P. Sartori, and Sh. Ziyodov, Sebzor dahasi qozisi faoliyatiga oid khujjatlar (Tashkent: O‘zbekiston, 2009): doc. 117-23; Morrison A.S. Russian Rule in Samarkand 1868-1910. A Comparison with British India – New York, 2008; Арапов Д.Ю. Мусульманский мир в восприятии верхов Российской империи // Вопросы истории. 2005; Khalid Adeeb. The politics of Muslim Cultural reform. Jadidism in Central Asia Berkeley: University of California Press, 1997.

аниқлаш;

қозихоналарда юритилган қозилик ҳужжатларини манба сифатида ўрганиш, бу турдаги ҳужжатларни тадқиқ қилиш йўналишида мавжуд методологик ва назарий масалаларни илмий асослаш;

мустамлака давридаги Тошкент қозихоналари фаолиятига оид қарашлар ва тарихий тадрижий ўзгаришларни очиб бериш, улардаги иш юритиш тартибини ёритишда анъанавий ва трансформацион жараёнларни кўрсатиб бериш;

юритилган турли мавзулардаги ҳужжатлар ичида мол-мулкка оид ҳужжатларнинг ўзига хослигини таҳлил қилиш ва мазкур турдаги аниқланган ҳужжатларга илмий изоҳ бериш;

қозилар фаолиятининг асосий иш кўламини ташкил қилган ижтимоий масалалардан никоҳ ва талоқ (ажрим) муаммоларининг ечимлари акс этган ҳужжатларни изоҳлаш;

вояга етмаган болаларга васий тайинлаш тартибининг назарий масалалари ва амалий ечимлари ҳамда уларни назорат қилишнинг Тошкент ҳудудидаги ўзига хос жиҳатларини ўрганиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XIX–XX аср бошидаги Тошкент қозихоналари фаолиятига оид ҳужжатлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини Тошкент қозихоналари ҳужжатларида мол-мулк, никоҳ, талоқ ва сағир болаларга васий тайинлашда кўрилган ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, статистик таҳлил, индукция ва дедукция, матнларни контент-анализ қилиш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Тошкент қозихоналарида кўрилган мол-мулк, қарз, *ибро* (ўз ҳаққидан кечиш), савдо-сотик, никоҳ, талоқ, вояга етмаган сағир болалар ва фуқароларнинг нотариал ишлари билан боғлиқ аниқланган 1000 та тарихий ҳужжатларда икки томоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш учун ҳукм васиқасига босилган муҳрлар ва ишончли гувоҳларнинг бўлгани ҳамда шу тарзда миллий қонунчилик анаъаналари шакллангани очиб берилган;

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Тошкент қозилари томонидан жорий қилинган (*حکم دفتري*) «Қарорлар» ва (*اكت دفتري*) «Далолатномалар»ни қайд қилишга доир махсус китоблар келажакда асоссиз низоларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилгани далилланган;

умуминсоний кадриятлар ва миллий анъаналарга катта эътибор берган ўзбек халқи жамиятда боқувчисини йўқотган ҳатто бегона (*صغير*) *сағир* етимларни ҳам ўз оиласига олганликлари натижасида Тошкентда империя маъмурияти очган болалар уйларига мусулмон етим болалари топширилмагани архив манбалари асосида исботланган;

қозилар мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ фуқаролик ишларида икки томон келишмовчиликларини сулҳ орқали ечишни таклиф этгани, натижада, даъвогар ўз ҳаққидан жавобгар фойдасига савоб умидида воз кечгани ҳамда (ابرو¹) *ибро* (ўз ҳаққидан кечиш) номини олган бундай қарорларни расмийлаштириш Тошкент қозихоналарида ҳам оммалашгани аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда XIX–XX аср бошига оид Тошкент қозихоналарида юритилган турли ижтимоий масалаларга оид бирламчи ҳужжат ва манбалар илмий истеъмолга киритилган, жумладан, 100 та ижтимоий-иқтисодий ва мол-мулк масалаларини акс эттирувчи ҳужжатларнинг умумий тавсифи, ҳужжатларнинг тузилган саналари, ер-мулкка оид ҳужжатлар аниқланиб, сфрагистик (муҳрдаги ёзувлар) маълумотлар ёритилган;

ёш оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида қозихоналар томонидан никоҳ маросими асносида келин ва куёвларга зарурий кўрсатмалар берилгани, ажримларнинг олдини олиш мақсадида бўлажак эрларга тегишли шартлар қўйилгани қозилик ҳужжатларининг матнларини илмий ўрганиш асосида очиб берилган;

Тошкент ҳудудида фаолият юритган қозихоналарнинг ўзига хос хусусиятлари: фуқаролар ўртасида тузилган оилавий, савдо-сотик, ижара шартномалари, мерос ва вояга етмаган етим болаларнинг мол-мулкни назорат қилишга доир ҳужжатлар Хива хонлиги ва Бухоро амирлигида ҳам қўлланилган;

Ўзбекистон Миллий архиви 10 та фонди таркибидаги эски ўзбек ва форс тилларида ёзилган 1000 та архив ҳужжатлари асосида 1868-1920 йиллар давомида Тошкентнинг 4 та даҳасида фаолият юритган қозиларнинг тўлиқ рўйхати тузилган, уларнинг мақоми, қозихона фаолиятидаги анъаналардан фарқли равишда юритилган «Қарорлар китоби» ва «Далолатномаларни қайд этиш» дафтарларининг манбавий аҳамияти очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари Тошкент ижтимоий тарихини ёритувчи маъмурий ва қонунчилик актлари, қозихона ҳужжатлари ва мустамлака даври иш юритиш тизимида оид ҳужжатлар асосида тадқиқ этилгани ҳамда танланган муаммо қиёсий ўрганилганлиги, илмий хулосаларни илгари суришда Тошкентнинг 4 та даҳасида фаолият юритган қозиларга тегишли Ўзбекистон Миллий архиви¹даги ҳужжатлар, ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди²даги манбалар, ЎЗР ФА

¹ ЎзМА, Ф. – И-36 – Тошкент шаҳар бошлиғи девонхонаси ҳужжатлари; ўша жойда: И-362 – Тошкент шаҳар қозилар съезди ҳужжатлари; ўша жойда: И-363 – Бешёғоч даҳаси қозиси ҳужжатлари; ўша жойда: И-364 – Кўкча даҳаси қозиси ҳужжатлари; ўша жойда: И-365 – Себзор даҳаси қозиси ҳужжатлари; ўша жойда: И-366 – Шайхонтоҳур даҳаси қозиси ҳужжатлари.

² Мажмуайи маҳзароти форсий. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Қўлёзма 6102.

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар фонди¹ ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси қўлёзмалар² тўпламлари каби бирламчи манбаларга таянилганлиги, далиллар воситасида асосланганлиги, натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти унда баён этилган таҳлилий мулоҳазалар, назарий хулоса ва таклифлар XIX–XX аср бошида Тошкент қозихоналари тарихига методологик ёндашувлар, илмий тадқиқотларда янги илмий қарашлар ва ижтимоий муносабатлар бўйича назарий хулосаларни такомиллаштиришда фойдаланиши билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти уларнинг тарихчилар, ислом манбашунослиги, матншунослик ва ҳуқуқ тарихи билан шуғулланувчилар учун амалий қўлланма вазифасини ўташи, шунингдек, «Ислом тарихи ва манбашунослиги», «Исломшунослик», «Диншунослик» каби йўналишдаги фанларни ўқитишда ҳамда улар бўйича янги дарслик, қўлланма ва махсус курслар ишлаб чиқиш ҳамда Тошкент худудига оид тарихий топономик номларни аниқлашга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XIX–XX аср бошида Тошкент қозихоналарида юритилган ижтимоий муносабатларга оид ҳужжатлар бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

Тошкент қозихоналарида кўрилган мол-мулк, қарз, *ибро* (ўз ҳаққидан кечиш), савдо-сотик, никоҳ, талок, вояга етмаган сағир болалар ва фуқароларнинг нотариал ишлари билан боғлиқ аниқланган 1000 та тарихий ҳужжатларда икки томоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш учун ҳукм васиқасига босилган муҳрлар ва ишончли гувоҳларнинг бўлгани ҳамда шу тарзда миллий қонунчилик анаъаналари шакллангани очиб берилгани тўғрисидаги илмий хулосалар Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг буюртмаси асосида chop этилган «Дин ва ҳаётга оид савол-жавоблар» китоби 1-жузининг мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2020 йил 4 декабрдаги 2472-сон маълумотномаси). Натижада, фуқаролар диний соҳага оид муҳим саволларига асосланган жавоблар олишида ва оилавий муносабатларда юзага келувчи муаммоли масалалар ечимини топишида муҳим аҳамият касб этган;

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Тошкент қозилари томонидан жорий қилинган (*حکم دفتري*) «Қарорлар» ва (*اكت دفتري*) «Далолатномалар»ни қайд қилишга доир махсус китоблар келажакда асосиз низоларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилгани далиллангани тўғрисидаги хулосалардан буюртма асосида «Ўзархив» агентлиги томонидан нашр этилган «Ўзбекистон архив тизими 100 ёшда» китобида фойдаланилган («Ўзархив» агентлигининг

¹ ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фонди. “Китобу ал-қузот” (“Қозилар китоби”). № 787/XXIII; XIX асрга оид қози дафтари. Инв. 405-йиғмажилд.

² ЎМИ, Муҳозарот васиқалари. – № 609; Муфта биҳи (“Фатво берилган масала”). – № 1134.

2020 йил 4 декабрдаги 01-26/1081-сон маълумотномаси). Натижада, кенг қамровли архив фойдаланувчиларига қозихоналарда юритилган ҳужжатлар ҳақида тўлиқ маълумот олиш, аждодлар илмий-маънавий меросини ўрганиш, миллий ўзликни англаш ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилган;

умуминсоний кадриятлар ва миллий анъаналарга катта эътибор берган ўзбек халқи жамиятда боқувчисини йўқотган ҳатто бегона (صغير) *сағир* етимларни ҳам ўз оиласига олганликлари натижасида Тошкентда империя маъмурияти очган болалар уйларига мусулмон етим болалари топширилмагани архив манбалари асосида исботлангани тўғрисидаги илмий хулосалар буюртма асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ташкил топганига 100 йил тўлиши муносабати билан ишга туширилган «Адлия органлари тарихи музейи»нинг XX аср бошига оид эски ўзбек ва форс тилларидаги қозилик ҳужжатларидан иборат экспозицияларига жойлаштирилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 24 августдаги 17/6-5/2351-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу ҳужжатлар музей кўргазмаларини бойитиш билан бирга, ташриф буюрувчи фуқароларга қозиларнинг вояга етмган сағир болаларга васий тайинлаш амалиёти ва унинг тарихий хусусиятлари билан яқиндан танишиш имконини берган;

қозилар мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ фуқаролик ишларида икки томон келишмовчиликларини сулҳ орқали ечишни таклиф этгани, натижада, даъвогар ўз ҳаққидан жавобгар фойдасига савоб умидида воз кечгани ҳамда (ابرا) *ибро* (ўз ҳаққидан кечиш) номини олган бундай қарорларни расмийлаштириш Тошкент қозихоналарида ҳам оммалашгани аниқлангани тўғрисидаги илмий хулосалардан буюртма асосида «O‘zbekiston tarixi» телеканалининг «Тақдимот» кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 24 декабрдаги 03-40-2707-сон маълумотномаси). Натижада, фуқароларнинг Тошкент тарихига оид расмий ҳужжатлар тарихи, аждодларимиз илмий меросига доир янги илмий маълумотлар билан танишиши, тарихий билимларининг ошиши ва уларда миллий ғурур туйғусининг шаклланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 13 та мақола, шундан, 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 129 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ўрганиш объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**XIX–XX аср бошларига оид Тошкент қозилик ҳужжатларини ўрганишнинг назарий масалалари**» деб номланган биринчи бобида Тошкент қозихоналари фаолиятига оид тадқиқотлар таҳлили, қозилик ҳужжатларининг тавсифи ва уларни манба сифатида ўрганишнинг назарий масалалари илмий тавсифланган. Замоनावий тадқиқотларда анъанавий қозилик институти тарихи, уни обрўсизлантириш йўлида мустамлака маъмурият томонидан амалга оширилган ўзгаришлардан кўзланган стратегик мақсадни очиб бериш каби илмий масалалар тарих, манбашунослик ва юриспруденция йўналишларида изланиш олиб бораётган маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг диққат марказида турган мавзулардан бири саналади. Ўрганилаётган даврда Тошкент шаҳридаги анъанавий қозихоналар тарихини ёритувчи тадқиқотларни замоनावий концептуал-услубий ёндашувлардан келиб чиқиб, шартли равишда 4 та гуруҳга ажратиш мумкин: 1) XIX – XX аср бошида чоп этилган тарихий асарлар ва мақолалар; 2) совет даврида олиб борилган изланишлар; 3) мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотлар; 4) хорижий тадқиқотчиларнинг ишлари.

Мустамлака даврида И.И.Крафт¹ ва Н.Фиолетов²лар томонидан Тошкентда фаолият олиб борган қозиларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини пасайтириш, фаолият доирасини чеклаш ва обрўсизлантириш йўлида амалга оширилган тадбирлар ёритилган бўлса, А.Хорошхин, Н.Остроумов ва Н.Лыкошин³ каби муаллифлар ўз асарларида ўлкадаги ижтимоий ҳаёт, ҳуқуқий муносабатлар, маҳаллий қозиларнинг фаолиятини жиддий танқид қилиш орқали империя бошқарув сиёсатини оқлаб кўрсатганлар.

XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, Россия империясининг маҳаллий суд тизимини ўзгартиришга доир сиёсати давр матбуотида ҳам мунозараларга сабаб бўлган. Нашр этилган мақолаларнинг мавзулари турли

¹ Крафт И.И. Судебная часть в Туркестанском крае и Степных областях. – Оренбург, 1898.

² Фиолетов Н. Судопроизводство в мусульманских судах Средней Азии. Суды казиев. – Ташкент, 1916.

³ Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся Туркестанского края. – СПб, 1876; Остроумов Н.П. Сарты. Этнографические материалы. (Общий очерк). Изд. 3-е допол. – Ташкент, 1908; Лыкошин Н. Полжизни в Туркестане. – СПб, 1916.

хил бўлиб, Г.Арендаренко¹, М.Федоровский², Л.Н.Большаков³ каби ўлка маъмурларининг маҳаллий аҳоли орасида рус судлари таъсир доирасини кенгайтириш бўйича таклифлари муҳокама қилинган.

Ушбу гуруҳ адабиётлари ичида маҳаллий тарихчиларнинг асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Хусусан, Муҳаммад Азиз Марғилоний империя томонидан жорий этилган қозилар сайловининг анъанавий суд тизимида салбий таъсир этганини очиб берган⁴. Муҳаммад Солиххўжа Тошкандий ўша даврда Тошкентда фаолият юритган 80 га яқин таниқли кишилар, жумладан, қози, аълам ва муфтийларнинг қисқача таржимаи ҳоли ва фаолиятига оид қизиқарли, кенг қамровли маълумотларни келтириб ўтган⁵.

Умуман олганда, мустамлака ҳокимият вакилларининг анъанавий суд тизими билан боғлиқ мулоҳазалари бир ёқлама бўлиб, воқеликда эса қозилик судлари жиддий маъмурий чекловларга қарамасдан маҳаллий аҳоли учун ўз мавқеини йўқотмаганлигини архив манбалари ҳам тасдиқлайди.

Совет даврида олиб борилган ишлар қаторига Н.Фиолетов⁶, Х.С.Сулейманова⁷ ва Ф.Бакировлар⁸ томонидан чоп этилган мақолалар ва брошюраларни қайд этиш мумкин. Муаллифлар давр сиёсати ва мафкураси таъсирида қозилик судлари хусусида фақатгина салбий фикрларини келтириб, уларнинг фаолиятини жиддий танқид остига олганлар ва совет ҳокимиятининг анъанавий қозилик судларини тугатиш борасидаги сиёсатини оқлаб кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Кейинчалик бундай ёндашувлар совет даврида амалга оширилган диссертацияларда ҳам ўз аксини топган. Шунга қарамасдан, шарқшунослар томонидан қозихоналарда расмийлаштирилган “васиқа” туридаги нотариал ҳужжатлар махсус тўплам ва каталог шаклида изоҳли шарҳлар билан нашр этилган⁹.

¹ Арендаренко Г. О народном суде среди туземцев. Зарафшанские заметки // Туркестанские ведомости, апрель-июль, 1879.

² Федоровский М. О расширении сферы русского суда над туземными в крае. Юридические заметки. // туркестанские заметки, 4 мая 1886 г.

³ Большаков Л.Н. Уголовная статистика в Туркестанском крае. // Туркестанские ведомости, 23 августа 1883 г.; Унинг ўзи. К вопросу о реформе народного суда. // Туркестанские ведомости, 3 ноября 1912.

⁴ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азийий: (Фарғона чор мустамлакаси даврида) // Сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов, Д. Сангилова; Масъул муҳаррир: А.Қаюмов. – Тошкент: Маънавият, 1999.

⁵ Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.

⁶ Фиолетов Н. Суды казиев в среднеазиатских республиках. // Советское право. – М., 1927. - №1 (25). – С. 132-146; Унинг ўзи. Судопроизводство в мусульманских судах (суды казиев) Средней Азии. // Новый Восток. – М., 1928.

⁷ Сулейманова Х.С. Исторический очерк о создании советских судов в Узбекистане. // Советское государство и право. – М., 1949; Унинг ўзи. Создание и развитие советского суда в Туркестанской АССР (1917-1924 гг.) – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1954.

⁸ Бакиров Ф. Чор Туркистонида суд, шариат, одат. – Тошкент: Фан, 1967.

⁹ Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в. Исследование и описание документов с историческим введением. – Л., 1940; Унинг ўзи. Хозяйство джуйбарских шейхов. / К истории феодального земледелия в Средней Азии в XVI - XVII вв. – М.- Л., 1954; Чехович О.Д. Бухарские документы XIV в. – Ташкент, 1965; Унинг ўзи. Самаркандские документы XV-XVI вв. – М., 1974; Документы архива хивинских ханов по истории и этнографии каракалпаков. / Подбор документов, введение, перевод, примечания и указатели Ю.Э. Брегея. – М.: Наука, 1967– 522 с.; Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: Наука, 1968.

Хулоса қилиб айтганда, совет даврида яратилган илмий тадқиқотларнинг сони етарлича бўлишига қарамасдан, улар нисбатан тор доирадаги бирламчи манбаларга асослангани ва асосий хулосалар мантиқий тарзда ўрнатилган мафкуравий чекловлар таъсирида бир-бирини такрорлаганини қайд этиш лозим.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда мустамлака даври тарихини ўрганишга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Замоनावий концептуал ёндашувлар асосида ушбу илмий изланишлар: 1) Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан босиб олинishi ва мустамлака маъмурий-бошқарув сиёсати моҳиятини ёритувчи тадқиқотлар¹; 2) бевосита Россия империясининг Туркистон ўлкаси қозилик судлари тизимини ўзгартириши, сайлов тизими, қозиларнинг янги тартибдаги иш фаолияти ҳамда ислом ҳуқуқи манбаларини таҳлил қилишга бағишланган ишлар²; 3) қозилик ҳужжатлари ва васиқаларининг рўйхатини тузиш, нашрга тайёрлаш ва илмий муомалага киритиш бўйича олиб борилаётган фундаментал изланишлар³га ажратган ҳолда таҳлил қилинди.

2016 йилда Ў.Султонов Тошкентда қозихоналар фаолияти, вақф муносабатларига оид қозихона ҳужжатлари ва таркибини таҳлил қилган⁴. Муаллиф ўз тадқиқотида Тошкентнинг тарихий-маданий ҳудудида вақф ҳўжалигидаги ўзгаришлар ва у билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни очиб берган.

Тарих фанлари доктори И.И.Бекмирзаевнинг номзодлик ва докторлик диссертациялари асосида чоп этилган монографияларида қозилик

¹ Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917). – Ташкент: Фан, 1997; Khalid Adeeb The politics of Muslim Cultural reform. Jadidism in Central Asia (Berkeley: University of California Press, 1997; Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Тошкент: Академия, 2002.; Ахмаджонов Г.А. Россия империяси Марказий Осиёда (Чоризмнинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати тарихи ва тарихнавислиги). – Тошкент, 2003; Тиллабоев С.Б. XIX аср охири – XX аср бошларида Марказий Осиёда маъмурий-ҳудудий бошқарув тизими ва унда маҳаллий аҳоли вакилларининг иштироки (Фарғона вилояти мисолида) / Тарих фанлари номзоди диссертацияси автореферати. Тошкент, 2006; Morrison A.S. Russian Rule in Samarkand 1868-1910. A Comparison with British India – New York, 2008.

² Ишанова Ш.А. Нормы шариата и применение их казийскими судами Средней Азии до 1924 года. / Автореф. диссер. канд. юрид. наук. – Ташкент, 1992; Муқимов З. Основные исторические источники права в Узбекистане (VIII-XIX вв.). / Автореф. диссер. док. юрид. наук. – Ташкент, 1997; Зайнобиддинов Н.С. История развития судебной системы в Средней Азии в конце XIX – начале XX вв./Автореф. диссер. канд.ист. наук. – Ташкент, 2006; Рахманов А.Р. Ислом ҳуқуқида шартнома ва мажбуриятлар ҳамда миллий қонунчилик (киёсий-ҳуқуқий таҳлил). Тарих фан. док. диссер. автореф. – Тошкент, 2008.

³ Каталог Хивинских казийских документов XIX – начала XX вв.// Сост.: Урунбаев А., Харикава Т., Файзиев Т., Джураева Г., Исогай К. –Ташкент-Киото, 2001; Султонов Ў.А. Тошкент қозихона ҳужжатларини ўрганиш муаммолари ва истикболлари (ЎзР МДА фонди) // Республика ёш олимлари тўплами. – Тошкент, 2008; Каримов Ф., Сартори П., Зиёдов Ш. Себзор даҳаси қозиси фаолиятига оид ҳужжатлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009; Каримов Э. Регесты казийских документов и ханских йарлыков Хивинского ханства XVII – начала XX в. – Ташкент, Фан. 2007; Аминов Х.А., Султонов Ў.А. Колониал Туркистонда қозилар дафтари: Тошкент, 1887. – Тошкент, Наврўз. 2016.

⁴ Султонов Ў. Тошкент вақф ҳўжалигида аъналар, ислохотлар ва муаммолар (XVI–XX аср бошларига оид тарихий ҳужжатлар асосида). Тар. фан. док. (DSc) ... дис. – Тошкент: ТД ШИ ШҚМ, 2016.

институтининг Мовароуннаҳр сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги ўрни, қозилик ҳужжатларининг тарихий илдизлари ёритилган¹.

Хорижий тадқиқотчилардан Александр Морисон², Д.Ю.Арапов³, Адиб Халид⁴, Р.Гарипова⁵ каби тадқиқотчиларнинг изланишлари, асосан, рус тилидаги манбалар асосида олиб борилган, шунингдек, қози судларида амалга оширилган ислохотларни меъёрий ҳужжатларда келтирилган маълумотлар асосидагина баҳолаб, бевосита ўша давр қозилари томонидан тузилган ҳужжатлар ва қозихона фаолияти чуқур ўрганилмаган. Бошқалардан фарқли равишда, П.Сартори⁶ империя маъмурияти чиқарган янги қарорлар узоқ муддатгача кучини кўрсата олмагани, қозилар юритган қайд китоблари Усманийлар империясидаги сижжилотлар каби ўлка қонунчилиқ тарихини ўрганишда бебаҳо аҳамиятга эга, деб баҳолайди.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент шаҳар қозилари ҳужжатларининг ижтимоий масалаларни ёритишдаги манбавий аҳамиятини очиб бериш алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Бугунги кунда Тошкент қозиларининг катта ҳажмдаги ҳужжатлари Ўзбекистон Миллий архиви (бундан кейин – ЎзМА) фондларида сақланмоқда. Архивда 130 га яқин Туркистон ўлкасининг 3 та вилояти (Самарқанд, Фарғона ва Сирдарё) ҳамда Тошкент шаҳар ва Тошкент уезди ҳудудларида фаолият олиб борган қозиларнинг фондлари мавжуд. Архивдаги қозилар фондларининг ҳажм жиҳатидан энг катта қисми Самарқанд вилояти қозиларига (деярли 50%) тегишли ҳужжатлар бўлиб, ундан сўнг Сирдарё ва Фарғона вилоятлари туради. Тадқиқот жараёнида 1868-1922 йилларда Тошкент шахрининг тўрт даҳасида фаолият юритган қозилар рўйхати аниқланди. Архивда Шайхонтоҳур даҳасида фаолият юритган 9 нафар қозининг жами 110 та йиғмажилдлари, Бешёғоч даҳасида фаолият юритган 8 нафар қозининг жами 97 та ҳукм ва далолатномалар китоби, Себзор даҳасида фаолият юритган 10 нафар қозининг жами 94 та ҳукм ва далолатномалари, Кўкча даҳасида фаолият юритган 11 нафар қозининг жами 91 та ҳукм ва далолатномалар китоблари сақланиб қолган. Қарорлар китобига сана, даъвогар ва жавобгарнинг арзномаси мазмуни, қозининг қарори, томонларнинг ва қозининг имзоси ҳамда қарордан нусха олганлик тўғрисида тасдиқ ёзуви киритилган бўлса, далолатномалар китобига қози

¹ Бекмирзаев И.И. Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий ва Мовароуннаҳр қозилиги. Монография. – Тошкент: Таълим нашриёти, 2011; Бекмирзаев И.И. Мовароуннаҳрда қозилик ҳужжатлари: тарихий илдизлар ва таҳлилий ёндашувлар. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014.

² Morrison A.S. Russian Rule in Samarkand 1868-1910. A Comparison with British India – New York, 2008.

³ Арапов Д.Ю. Мусульманский мир в восприятии верхов Российской империи // Вопросы истории. 2005.

⁴ Ўша жойда. – Б. 253.

⁵ Garipova R. Married or not married? On the obligatory registration of Muslim marriages in Nineteenth-Century Russia. // Islamic law and society 24 (2017).

⁶ Sartori, Paolo. Visions of Justice: Sharī‘a and Cultural Change in Russian Central Asia. – Leiden: Brill: 2016; Ibid. Judicial elections as a colonial reform the *qadis* and *biys* in Tashkent, 1868-1883 // Cahiers du Monde russe, 49/1, Janvier mars, 2008; Ibid. Colonial legislation meets sharī‘a: Muslims’ land rights in Russian Turkestan // Central Asian Survey. Vol. 29, № 1, March 2010.

расмийлаштирган барча нотариал фаолият, яъни ер олди-сотди, қарз олиш-бериш, мулкни гаровга қўйиш тўғрисида маълумотлар қайд этилган¹.

Шунингдек, қозилар томонидан «никоҳ», «талок», «ажралиш (хуль)», «васиятнома» ва «вакиллик тўғрисида», «насабнома (исботи насаб)», «мерос тақсимоти», «шерикчилик», «муштарак мулкларнинг тақсимоти», «савдо битимининг бекор қилиниши (иқола)», «кафолат», «мулк айрибошлаш», «қарз», «гаров (рахн)», «байи жоиз», «байи бот», «ижара» ва «вақфнома» каби ҳужжатлар ҳам расмийлаштирилган. Уларни мазмунан таҳлил этиш, тизимлаштириш, турли жамғармалардаги ҳужжатлар мониторингини ўтказиш, ўзаро қиёслаш орқали янги маълумотларни аниқлаш, манбавий аҳамиятини очиб бериш исломшунослик, манбашунослик ва тарих фанларини янада ривожлантириш имконини беради. Тадқиқ этиладиган қозилик ҳужжатларини танлаб олишда унинг ички ва ташқи белгиларига қараб, манбавий қиймати хусусида хулоса чиқариш зарур. Ҳужжатнинг ташқи белгилари деганда, унинг қоғози ва хати (ёзуви)дан ташқари, ёзилган вақти ва жойи, муаллифи, ёзилиш сабаблари давр ижтимоий-сиёсий жараёнларини инобатга олган ҳолда баҳоланади. Буларни аниқламай туриб, ҳужжатда баён этилган воқеалар ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди. Агар аниқланган ҳужжатда муаллиф исми ва санаси ноаниқ бўлса, манбани сатрма-сатр, синчковлик билан ўрганишдан ташқари, муҳрларга ҳам эътибор қаратиш талаб қилинади.

Умуман олганда, қозилик ҳужжатлари манбашунослиги нисбатан янги тадқиқот йўналиши бўлиб, уни ривожлантириш борасида катта имкониятлар мавжуд. Шу ўринда, бир қатор вилоят музей, кутубхона ва архивларидаги манбаларни ҳам ўрганиш масаласи ўз ечимини кутмоқда. Уларнинг тадқиқ этилиши Ўзбекистон тарихини ёритишда муҳим илмий аҳамият касб этади.

Диссертациянинг иккинчи боби **«XIX–XX аср бошида Тошкент қозихоналари фаолияти ва уларда мол-мулкка оид ҳужжатларни юритиш тартиби»** деб номланиб, унда Тошкент қозихоналари фаолияти ва иш юритиш тартиби, расмийлаштирилган мол-мулкка оид ҳужжатларнинг манбавий таҳлили берилган. Тошкент шаҳридаги қозихоналарнинг фаолияти Бухоро ва Қўқон шаҳарларидаги қозихоналардан деярли фарқ қилмаган. Қозилар олий маълумотли бўлиб, Бухоро, Тошкент ва Самарқанддаги нуфузли мадрасаларда ўқиган. Қозиларни тайинлашда асосий манбалардан ҳисобланган «Мухтасар ал-Виқоя»², «Жомеъ ар-румоз шарҳи Мухтасар ал-Виқоя»³ ва «Ҳидоя»¹ каби мўътабар ва машҳур китоблар Мовароуннаҳрда

¹ ЎзМА, И-363-фонд, 1-рўйхат, 13 ва 364-йиғмажилдлар.

² “Ан-Ниқоя” (“ан-Нуқоя”, “Ниқоят ар-ривоя”, “Ниқоят ал-Виқоя” ёки “Мухтасар ал-Виқоя”). Садр аш-шариъа ал-асғар Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Махбубий ал-Бухорий (ваф. 747/1347) қаламига мансуб ушбу асар фикҳий матн китоблари ичида ўзининг қисқа ва мўъжазлиги билан ажралиб тургани учун “Мухтасар ал-Виқоя” номи билан танилган.

³ Мовароуннаҳрда яратилган тазкира ва тарихий асарларда “Жомеъ ар-румоз” соҳиби Шамсуддин Муҳаммад ал-Қуҳистоний (1546 ваф.)ни Бухорода бир неча йиллар давомида садр-муфтий бўлгани, қабри ҳам Бухоронинг энг эътиборли қабристонига қўйилгани, яъни муаллифи таниқли фақиҳлиги, китоби ҳам

ҳанафий мазҳаби манбалари сифатида амалда бўлган ва қозиларни тайинлашда ушбу китоблар асосий дастуруламал бўлиб қўлланилган. Ўз навбатида қозилар ҳам амалий-ижроий ишларида мазкур китобларга асосланиб, ҳукм чиқарганлар.

1866 йилнинг июлида маҳаллий қозихоналарнинг ўрнига маҳкама ташкил этилган. Айрим ҳужжатларда маҳкама «шаҳар иштироки» ёки «шаҳар бошқаруви» деб юритилади. Унинг таркибига Тошкентнинг туб аҳолисидан сайланган қози ва етти маслаҳатчи, муфтий ва аъламлар киритилган. Катта маслаҳатчи лавозимини аввал Саидазим Муҳаммадбой ўғли, сўнг Исҳоқбой эгаллаган². Ўлкада жорий қилинган бундай синов-тажриба кўринишидаги тартибларнинг аксарияти ўзини оқламагани учун қисқа вақт амал қилгач, бекор қилинган.

1867 йилда «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги вақтинчалик Низом»га асосан қози ва бий судлари қайта тикланиб, номзодларни сайлаш ва судлар фаолияти юритиш тартиби белгиланди. Халқ судларининг фаолияти оила ва никоҳ, ворислик каби фуқаролик ишларини кўриш билан чеклаб қўйилган. 1886 йилги Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низомда мустамлакачи ҳукумат ислом ҳуқуқи билан мураса қилибгина қолмай, балки уни ўрганишга ҳам киришган. Бу борадаги дастлабки уринишлар ислом ҳуқуқига оид европалик олимларнинг асарларини рус тилига таржима қилишдан иборат бўлди³. Бундан ташқари, айрим рус амалдорлари қозиларни рус тилида ҳужжатларни расмийлаштириш талабини киритишни таклиф қилса⁴, бошқалари қозихоналарда кўрилган ижтимоий муносабатларига доир ишлар мураккаб ва жуда чалкаш эканлиги, қозилар уларни ҳал қилишда Ислом манбаларига кўра ҳукм чиқариши тўғрилигини тан олган⁵.

Мулкий муносабатга доир манбалар таҳлили XIX–XX аср бошида ҳам Тошкент қозиларининг маҳаллий фуқароларнинг ҳуқуқий онги, хусусан, мулкий муносабатлардаги ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш борасида

жуда кўп фикхий ривоятларни ўзида жамлагани боис, асар охириги тўрт аср давомида олим ва илму толиблар орасида энг кўп фойдаланилган “эйтиборли” асарлардан саналган.

¹ “Ал-Ҳидоя шарҳ “ал-Бидоят ал-мубтадий” (“Бидоят ал-мубтадий” шарҳидаги ҳидоят). Бурҳониддин ал-Марғиноний (1123-1197)нинг асари. “Ал-Ҳидоя” умумий ҳисобда 57 та китоб, 168 та боб ва 153 та фаслдан иборат. Асар ёзилганидан буён мадрасаларда ҳанафийлик фикҳидан асосий дарслик сифатида ўқилгани, унинг фикҳ тарихи ривожидида муҳим аҳамияти борлигини билдиради. Шунинг учун унинг қўлёзмалари ва тошбосма нашрлари жуда кўп. Ўрта асрларда ҳанафийликдаги кўпгина асарлар унинг таъсирида ёзилган. “Ал-Ҳидоя”нинг юздан ортиқ шарҳ ва хошиялари мавжуд / Аминов Ҳ., Примов С. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017.

² ЎзМА. И-36-фонд, 309-йиғмажилд, 1-варақ.

³ 1893 йилда Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Н.И.Гродеков инглиз тилида чоп этилган Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидояи шариф” китобини русчага таржима килдирган. Унинг таҳрири остида 4 жилдли китоб нашр этилган.

⁴ Лыкошин Н. Кази (народные судьи). Бытовой очерк оседлого населения Туркестана / Русский Туркестан. Сборник, т. 1. Приложение к газете “Русский Туркестан”. – Ташкент: Типография “Русский Туркестан”, 1899. – С. 57.

⁵ Давлетшин А. Отчет о командировке в Туркестанский край и степные области для ознакомления с деятельностью народных казиев. – СПб., 1901. – С. 36-63.

амалга оширган самарали ишлари натижасида, турли ижтимоий қатлам вакиллари ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар мустаҳкамланиб борганлигини тасдиқлайди. Олди-сотди битимлари ичида энг кўп тарқалган ҳолат бу уй савдоси бўлган. Тошкент ҳудудида амалга оширилган кўчмас мулк савдоси, мулк ижараси, мерос масаласини қонуний расмийлаштириш борасида қозилар томондан аниқ формуляр ишлаб чиқилганлигини кузатиш мумкин. Унда мулкнинг ҳудудий жойлашуви, чегараси, қўшниларнинг исмлари, олди-сотди шартлари, сотувчи ва олувчи, гувоҳлар ва албатта, қозининг ўз тасдиқ муҳри жойлаштирилган.

